
НУРОНИЙЛАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Туман маданият марказида “Кексалар ҳафталиги” доирасида Нуронийлар ва ёшлар учрашуви ташкил этилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, ёшлар агентлиги туман бўлими туман мудофаа ишлари бўлими ҳамда туман маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилган ушбу учрашувга туманимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида фаол бўлган, айти дамда кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонлар таклиф этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими нуронийлар Кенгаши раиси И. Эназаров юртимизда кексаларни эъзозлаш борасида амалга ошириляётган ишлар ҳақида гапириб, меҳмонларни ёшларга таништирди.

Нуронийлар –С. Отабоев, Э. Ходжаев, С. Тошматов, М. Зияева, С. Болтабоева сўзга чиқишиб, кўрсатиляётган ҳурмат ва эътибор учун аввало ҳукуматимизга, туман ҳоқимлигига, тадбир ташкилотчиларига чексиз миннатдорчилик билдиришди. Ёшларга ўз ҳаёт йўлларида, туманимиз тарихи, туманимизда амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида гапиришди. Юртимиздаги тинчлик, фаровонликка шукроналар билдиришди. Ёшларни тинчликни қадрига етишга, аъло ўқишга, жамоат ишларида доимо фаол бўлишга чақирди.

3-мактаб ўқувчиси, белбоғли кураш бўйича икки марта жаҳон чемпиони З. Маҳмудова спортда эришган ютуқлари ҳақида сўзлади. 2-ВИДУМИ ўқувчиси М. Расулова нуронийларга атаб ёзган шеърини ўқиб берди.

Туман маданият маркази ходимлари ҳам тадбирни файзли ўтишида жонбозлик кўрсатишди.

Ҳафталик доирасида меҳмонлар, ёшлар вакиллари ҳамда Фарғона вилояти шарқий ҳарбий округ кичик сержантлари Ё. Камолов, Қ. Аҳмедов, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи З. Қурбонов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Кенжабой ота Эгамқулов хонадонига ташриф буюришди. Улар отахон кексалар байрами билан табриклашиб, эсдалик совғаларини тақдим этишди. Отахон ташриф учун ҳаммага миннатдорчилик билдириб, жанг хотираларидан сўзлаб берди.

2022-10-06 15:49:24